







Кўпқари — мардлар ўйини

Отам раҳматли отга ишқибоз эди. Ёшлиғида от парваришлаб, от минган. Эшитган кўпқаридан қолмай, унча-мунча совринларни кўлга киритган. Шунданми, мудом чопқир, ўйноқи тулпорларни кўкларга кўтариб мақтарди. Замона зайли билан отлар жуда камайиб кетган кезларда қаердадир от кўриб қолса, анча пайт ёнидан кетмасди. Силаб-сийпалар, гўёки у билан сўзлашарди. Яхши эслайман, шундай пайтларда отамнинг кайфияти чоғ бўларди. Кечқурунлари албатта чавандозлар, учқур отлар ҳақида сўз юритиларди.

«Оқбу» лақабли отида мамлакатимизнинг энг ажир чавандозларидан бири эканлигини намойиш этди. — Соҳибқирон Амир Темури бобомиз от билан дунёни эгаллаган, — дейди Шавкат Назаров, — от йигитнинг йўдоши. У одамларнинг узогини ақин, оғирини енгил қилиш билан бирга кўпқарини ҳам соғиниб яшайди. Киши ўзи меҳр кўйган отининг ёлини силар экан, ол-

Бош мураббий ўзгарди

Бу жамоа ўйинига таъсир қилармикан?

Жамоа йиллар давомида турли номлар билан аталди. «Динамо», «Афросиёб», «Самарқанд», «Самарқанд-Динамо»... Аммо атамалардаги ўзгаришлар футболчилар ўйин услубининг такомиллашувига ҳеч қандай таъсирини ўтказмади. Аксинча, жамоа йилдан йилга олий табақда поғонама-поғона пастга туша бошлади. Ҳатто бир пайтлар собиқ иттифокнинг машҳур жамоалари билан тенгма-тенг курашган, улардан устун келган самарқандлик футболчиларнинг биринчи табаққа ҳам тушиб чиққиси.

Ўзгаришлардан ҳайратга тушибди. Наҳотки, бутун бошли жамоа қайтадан ташкил этилган бўлса? Янги ўйинчиларнинг бир-бирларини тушуниб олишларига озмунча вақт кетадими ахир? Муҳлислар хавотирли ўринли бўлиб чиқди. Футболчиларнинг майдондаги ҳаракатлари қовушмади. Мавсум бошидаги галабалар ўрнини иккинчи даврада

рияти вакиллари. — Вилоят ва шаҳар ҳокимлиги жамоани моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб турибди. Яхшигина ўқув-машғулот базамиз бор. Вилоятимиздаги футбол мактаб-интернатларидаги иқтидорли ёшлар ҳисобига жамоа захирасини тўлдириб бераймиз. Яқинда «Самкочавто» кўшма корхонасининг янги автобус соғва қилгани кайфиятимизни янада кўтарди. Дарвоқе, ўтган йили жамоанинг 98 фоизини маҳаллий ёшлар ташкил қилди. Улар ўзлари учун яратилган шарт-шароитдан асло норози эмас. Жамоада янги мавсумдан яна янги бош мураббий иш бошлашдан муҳлислар алдақачон хабардор бўлишган. Собиқ динамовчи Сергей Хрулёв ана шу вазифага лойиқ деб топилди. Ва яна бир неча асли самарқандлик бўлган тахрибдор футболчилар ҳам жамоага қайтайдиган бўлишди. Жумладан, «Дустлик» дан Егор Гладков, Олим Тиллаев, «Машъал» дан Сайфуддин Шарипов, Шухрат Жабборов, «Сугиёна» дан Даврон Каримқул, «Шўрчи» дан Акбар Холиқов, «Насиф» дан Баҳодир Турдиқуллов энди самарқандлик футбол муҳлисларининг ишончини оқлашга ҳаракат қилишди.



Халқимиз азал-азалдан хунарни ардоқлаган, хунар эгаллашни ҳар бир эр йигит фахр деб билган. Қизларимиз эса дўпни тикиши, қаштаю ғиламдўзлик борасида бензир бўлишган. Бугунги кунда ҳам хунар эгаллашга иштиёқи баланд ёшлар талайгина. Пойтахтимиздаги 326-халқ амалий санъати мактабида ҳам бугунги кунда унаиб йигит-қизлар турли касб-хунарларни меҳр билан ўрганмоқдалар.

СУРАТДА: мактаб ўқитувчиси Ниладур Бобоева шогирди наққошлик ва миниатюра санъатини кўнгил билан эгаллаётган, ёш истаёлда эгаси Саодатхон Худоевнинг билан. Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

«От чопса гўмбурлар тоғлар дараси...»

Отнинг хосияти кўп, — дердилар у киши. — У билан дўстлашган, тилишган кишилар марғур, бир сўзли бўлади. Ай, болаларим-а, ҳали от миниш гаштини билмайсизлар-да. Унинг икки кўлоғи орасидан жаннатнинг шамоли эсиб туради. Эгар устида қайчилик кетар экансан, бор чарқоқни унутсан, майин силқинишлардан бошингни тобора кўкка яқинлашайтандек ҳис этсан.

Дарҳақиқат, ота-боболаримиз отларни энг яқин дўст, ҳамроҳ деб билганлар. Юрт ҳимоясида, жангу жадалларда улардан фойдаланишган. Ақли тулпорлар бундай пайтларда ҳамшира эгаларига омад келтирган.



Тиббиётда айтилишича, от минган кишига, юрак-қон-томир, бавосил касалликларини йўлмас экан. Кўриниб турибдики, от билан «тилланиш» гап кўп. У инсонга завқ бағишлаш билан бирга киши рўзини мустаҳкамлашга омили ҳамдир. От ҳақида сўз кетса беихтиёр кўпқари ёлмага тушади. Унга хос мардлик, танглик, ҳамжихатлик кўриги ҳисобланган кўпқари азалдан халқимиз турмуш тарзининг мўҳим қирраси саналган. Мана, олти йилдирки, юртимизда кўпқари бўйича вилоятлар, республика биринчилликларни ўтказиб келинапти. Ҳосил байрамларида от ўйинларига ўрин ажратилмоқда. Одамлар гўй-ҳашамларда яхши ниятлар билан кўпқари беришарди. Бир сўз билан айтганда, чавандозлик кўпқари ўйинлари яна оммалашмоқда.

нинг яна бир қарра исботидир. Шавкатнинг бобоси Нурим чавандозки «Темир чангал» дейишган. Унинг ортдан бир қанча муҳлислари, ҳамқишлоқлари, шогирдлари эргашиб юришган. Ҳеч қачон уйига совринсиз қайтмаган. 86 ёшида вафот этган Нурим бобо ўғилларини ўзидек отда дадил ўтириб, кўпқари-ю, мусобакаларнинг голиби бўлишини орзу қиларди. Бироқ, мустабид тузум боис ниятлари саробга айланган. Фақатгина набираларида от асраш, от миниш, чавандоз бўлиб етиштиш ҳасиб эди. Ҳани, Отабекларни ҳам от устида кўрсангиз, шуурингизда арфонавий Алломин сиймоси жонлангандек бўлади. Утқорак йигитлар эса бугунги мусобакаларда боболари рўҳларини шод этишмоқда.

Хатирчи, Қармана, Челақ, Қўшраб, Ғиждувон, Шофирқон, Қизилтепа туманларида бўлиб ўтган мусобакаларда ака-ука чавандозлар ўларнинг неларга қодирлигини исботлашди. Юзлаб полковлар даврасидан совринни олиб келишди. Малик-рабоб кўрғондаги Урта Осие чавандозлари кўригиде уларни кўпчилик тан олди. Яқиндагина Жиззахдаги республика чемпионатида ҳам салмоқли ютуқлар кўлга киритилди. Шавкат эса

Караикти, Навоийда от спортининг кўпқари тури буй кўрсатмоқда, ишқибозлар жонлиб қолишди. Ҳовилларда отларнинг кўпайтирилганлиги янада қувончди. Федерацияга аъзо бўлаётган чавандозлар сонига тобора кўпайиб бормоқда. Ёшлар от спортига футболдан кам қизиқмас экан. Мўҳими, спортнинг бу миллий тури келажак авлодини мард, чайир, ориятли, ғурури фанзандлар этиб тарбиялашга қўмаклашишни турган гап.

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: ёш чавандоз Шавкат Назаров «Оқбу» лақабли тулпори ёнида.

Футбол: кеча ва бугун



кетма-кет мағлубиятлар эгаллаш бошлади. Сафардагина эмас, ўз майдониде ҳам жамоа омадсизликдан қутула олмади. Аввалги ўз жамоаларини чемпионат медалларига даъвогар ҳисобларган ашаддий ишқибозлар мавсум ниҳоятга яқинлашган сайин юрак ҳовулдаб қолишди. Ҳамминанг қалбиде биргина савол: «Севимли жамоамиз олий табақда қолармикан, ёки...»


Мавсум якунида «Хайрият», шунисиға ҳам шукр», дейишди улар. Иккинчи даврада 15 учрашувдан атиги 11 очко жамғарилгани ҳам жамоанинг қанчалик бўш ўйин кўрсатганининг исботи эди. Очигини айтиш керак, таркиби деярли ўзгарган жамоани шақллантиришнинг қанчалик оғир кечганини бош мураббийгина эмас, муҳлислар ҳам яхши билди.

Самарқандлик муҳлислар ранжишининг биргина сабаби бор. Бу, албатта мураббийлар ва футболчиларнинг кўнимсизлиги. Эҳтимол, уларга етарли шарт-шароит яратиб берилмагандир?

— Нопишга ҳаққимиз йўқ — дейишди жамоа раҳбар-

Абдураҳул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Соз яратган Сардорбек



— Биз, катталар ўзимизни ўйлабмуш ўғил-қизларимиз, набираларимизни ҳаёдан доғиримиз, — тан олишга мажбур бўлишди хунармандлар Сардорбек яратган созларни обдон кўздан кечиришгач.

Андижон шаҳрида истиқомат қилувчи хунарманд Сардорбек Мадраҳимовнинг болаларга мўлжаллаб яратган сурнай, ноғора, рубоб, доира каби созлари пишиқлиги, айни дамда гоят нафислиги билан ёш ижрочиларга манзур бўлди. Ёш хунармандга кўплаб буюртмалар тушмоқда.

О. ШОДМОНАЛИЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, барча вилоят хўжаликлари, ташкилот ва бошқарма бошлиқлари диққатига!

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ РЕКТОРАТИ

2002/2003 ўқув йилида бакалаврият ва магистратура йўналишлари бўйича битирувчиларни йўлланмалар асосида иш жойларига тақсим қилишга киришмоқда. Шу муносабат билан битирувчи бакалавр ва магистрларга уч томонлама шартнома асосида уларнинг хоҳиши бўйича, келгусидаги иш жойини танлаш имкониятини яратиш мақсадида сиз раҳбарлик қилаётган муассасангизда ёш мутахассисларга яратиб бериш мумкин бўлган имкониятларингизни (маош, устама ҳақ тўлаш, тураржой билан таъминлаш ва уларга бериладиган бошқа имтиёзларингиз) ҳақида университетга жорий йилнинг 25 майга қадар хабар беришингизни сўраймиз.

Ректорат 2002/2003 ўқув йилида куйидаги жадвалда кўрсатилган йўналишлар бўйича университетни битираётган оқори малакали бакалавр ва магистрлар ҳақида статистик маълумотни сизнинг эътиборингизга маълум қилмоқда.

Кўшимча маълумотлар учун телефонлар: 63-75-09, 63-63-35, факс: 63-76-00, маркетинг хизмати бўлими: 63-75-09, e-mail: tsau@hihol.com.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

кундузги бўлимини 2002/2003 ўқув йилида битираётган бакалавр ва магистрлар ҳақида статистик маълумот.

Table with columns for faculties (e.g., Agriculture, Horticulture, Forestry) and rows for various regions (e.g., Tashkent, Fergana, Bukhara). It contains numerical data representing student counts.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси масъул ходим Сирожиддин Рауфова онаси Рохатой ая ТОШЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси ва «Узэлектртармоқ» шўба корхона раҳбарияти ва жамоаси Навоий магистрал электр тармоқлари директори Азамат Борзоева отаси Ҳазрат БОЗОРОВнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. Мирзо Улдубек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети жамоаси «Оммавий алоқалар ва реклама» кафедраси доценти, филология фанлари доктори Фотима Муминова отаси Иззатулла ХОНБОБЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. ЎЗР ФА «Ботаника» илмий-ишлаб чиқариш Маркази жамоаси бош директори умуий ва коммерция ишлари бўйича ўринбосари Абдураҳмон Ражабова акаси Восит РАЖАБОВнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. ОЖИКЖ Сурхондарё вилояти кутубхоналар асоциацияси раиси Шавкат ИСЛОМҚУЛОВнинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оиласи ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Халқ сўзи» «Народное слово» Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ. Таҳрир хайяти: Э. Болвев (масъул котиб) — «Халқ сўзи», П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Мираллимов, С. Муҳиддинов, Г. Прохоренко, Ш. Ризаев, А. Саидов (масъул котиб — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўбосаров, О. Қамбаренов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов. ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга тошпирин вақти — 21.00 Тошпирилди — 00.10 1 2 3 4 5 6